

“Агробанк” АТБ
Бошқаруви йиғилишининг
2017 йил 21 -апрелдаги
26/2 - сонли қарорига илова

Пластик карталар билан ишлаш бошқармасининг
НИЗОМИ

Тошкент – 2017

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Марказий банкнинг меъерий ҳужжатлари, банкнинг Устави, ҳамда ички меъерий ҳужжатлари талаблари асосида ишлаб чиқилган.

2. Пластик карталар билан ишлаш бошқармаси (кейинги ўринларда "бошқарма") Марказий аппаратнинг мустакил таркибий тузилмаси ҳисобланади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Марказий банкнинг тегишли меъерий ҳужжатлари, банкнинг Устави, ички меъерий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низом талабларига асосан юритади.

4. Мазкур Низом бошқарманинг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

5. Бошқарманинг таркиби ҳамда штат жадвали Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

6. Бошқарма қуйидаги таркибий тузилмалардан иборат:

- а) Пластик карталар клиринги бўлими;
- б) Банк карталари ва терминалларига хизмат кўрсатиш бўлими;
- в) "On-line" тизими билан ишлаш бўлими;
- г) Интерактив хизматлар бўлими.

7. Бошқарма ходимларининг лавозим мажбуриятлари ушбу Низомга илова қилинади.

8. Бошқармани Бошқарув раиси томонидан тайинладиган бошлиқ бошқаради.

9. Бошқарма ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини банкнинг Устави, Кенгаши ҳамда Бошқаруви йиғилишининг қарорлари, Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарларининг буйруқлари ҳамда фармойишлари асосида амалга оширади.

10. Бошқарма мазкур Низомда қўйилган вазифа ва мажбуриятларни бажарилиши юзасидан жавобгардир.

11. Бошқармада иш юритиш тартиби банк тизимида ўрнатилган иш юритиш тартибига асосланган ҳолда олиб борилади.

2. Вазифалари ва функциялари

12. Бошқарманинг асосий мақсади - миллий валютадаги пластик карталар билан ишлашни тизим бўйича замонавий талаб даражасида ташкил этиш учун таҳлилий, иктисодий ҳамда назорат ишларини ташкил этиш, сифатли банк хизмати кўрсатилишини таъминлаш, ҳудудий филиаллар миқозлари томонидан мурожаатлар ва шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан зудлик билан чоралар қўриш, шу билан бирга,

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodolögiya bo'limi

353 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil 21 - aprel

imzo

пластик карталар бўйича белгиланган меъёрларга амал қилмаган ҳудудий филиалларнинг масъул ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича раҳбариятга таклифлар беришдан иборатдир.

13. Ушбу мақсадларга эришиш учун Бошқарма:

а) ўз таркибига кирувчи таркибий тузилмалар фаолиятига раҳбарлик қилади, уларнинг ишини ташкил қилиш ҳамда уларга юклатилган вазифалар бажарилиши учун масъулдир. Банк Бошқарувининг бошқарма фаолиятига тегишли иш режалари ва қарорлари бажарилиши юзасидан назорат олиб боради;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ-2881-сонли Қарори ижроси юзасидан тармоқ ва соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари, Ҳукумат қарор ва топшириқлари ҳамда бошқа меъерий ҳужжатларни ўз вақтида самарали ижро этилиши ва тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди;

в) Тегишлилиги бўйича келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг муҳожаатларини ўз вақтида қўриб чиқиши ва уларга сифатли жавоб берилишини таъминлаш каби вазифаларни бажаради;

г) ваколати доирасидаги масалалар юзасидан банк Бошқарувига таклифлар киритади, қарорлар лойиҳаларини тайёрлайди;

д) таркибига кирувчи барча ходимларнинг лавозим мажбуриятларини ишлаб чиқади ҳамда ушбу мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши учун зарур шарт-шароитларни яратади;

е) меҳнат интизومي ва ички меҳнат қоидаларини бузганлиги учун бошқарма ходимларига нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, шунингдек ўртак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш юзасидан банк Бошқарувига таклифлар киритади;

ё) ўз мутахассисларининг касбий малакасини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Марказий банк меъерий ҳужжатлари ҳамда фаолиятига тегишли ички меъерий ҳужжатларни ўрганиш ишларини ташкил этади;

ж) ўз фаолиятига тегишли масалалар ва ҳисоботларни тузиш юзасидан банкнинг ҳудудий бошқармаларига кўрсатмалар ва тушунтиришлар юборади;

з) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банкнинг меъерий ҳужжатлари ҳамда банк Уставига мувофиқ бошқарма фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалаларни ҳал этади;

и) еўм пластик карталар билан ишлашда қўлланиладиган DUET, Smart Vista, GlobuzCard дастурларида фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, хавфсизлик ва узлуксизликни таъминлайди;

й) ҳудудий филиалларнинг пластик карта дастур таъминотида доир саволларига жавоб бериш ва банк катнашчилар томонидан келиб тушадиган техник хатоликларни тўғрилашга ёрдам беришни таъминлайди;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
353 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil 21. April
Imzo

к)пластик карталарни жорий қилиш бўйича услубий ва меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

л)пластик карталарга оид ҳисоботларни юритади, банк қатнашчилари ўртасида клиринг ҳисоб-китобларни амалга оширади.

14.Бошқарманинг функциялари:

а)пластик карталарни ҳудудий бошқармаларнинг талабларига асосан етказиб бериш ҳамда уларнинг мониторингини олиб бориш;

б)савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига жойлаштирилган терминалларни ўз вақтида узлуксиз ишлаши устидан қатъий назоратни ташкил этиш;

в)кириш ва чиқиш ҳужжатларини рўйхатга олиш ва махсус жойда сақлаш;

г)банк сирига оид ҳужжатларни алоҳида рўйхатга олиш ва махсус жойда сақлаш;

д)пластик карталар, терминаллар, банкоматлар ва инфокиоскалар бўйича ойлик, чорак ва йиллик ҳисоботлар тайёрлаш ҳамда Марказий банк ва раҳбариятга керакли ахборотларни тайёрлаш.

15.Банк карталари ва терминалларига хизмат кўрсатиш бўлимининг функциялари:

а)сўм пластик карталар билан ишлашда қўлланиладиган DUET, Smart Vista, GlobuzCard дастурларидан фойдаланувчиларга қулайлик яратиш, хавфсиз ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

б)банк тизимида DUET, Smart Vista, GlobuzCard дастурларининг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш ҳамда жойларда ушбу дастур юзасидан юзага келадиган муаммоларни ҳал қилишда амалий ёрдам бериш;

в)сўмдаги пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тўлов терминалларига ўрнатилган дастурий таъминотнинг ишлаши учун зарурий чора-табдирларни ишлаб чиқиш;

г)банк тизимида сўм пластик карталар хизмат тури учун фойдаланиладиган банкомат ва инфокиоскаларга ўрнатилган дастурий таъминотни доимий равишда ўрганиб бориш ҳамда банкнинг банкомат ва инфокиоскалар тармоғида кенг қўллаш;

д)банкнинг ҳудудий филиалларини банк қатнашчиси сифатида ишлашини таъминлаш;

е)DUET, Smart Vista, GlobuzCard дастурларида юзага келган муаммоларни ҳал қилиш, уни такомиллаштириб бориш бўйича бошқарма бошлиғига хулоса ва таклифлар киритиб бориш.

16.Пластик карталар клиринги бўлимининг функциялари:

а)ҳудудий филиалларда пластик карталар бўйича банклараро клиринг ҳисобини тўғри юритилиши ва бошқарма фаолиятига оид ҳисоботларни юритиб бориш ва такомиллаштириш бўйича барча зарурий чорларни кўриш;

б)сўмдаги пластик карталар ва терминаллар бўйича бошқарув, услубий ва меъерий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

в)банк Бошқарувини тезкор ва зарурий маълумотлар билан таъминлаш бўйича тегишли (кунлик, ойлик) ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш ва маълумотларни ўз вақтида йиғиб олиш;

г)банк катнашчилари ўртасида клиринг ҳисоб-китобларини амалга ошириш;

д)банк пластик картларини жорий қилиш бўйича маҳаллий ва хорижий давлатлар илгор тажрибасини амалиётга мунтазам қўллаб бориш;

е)бўлимга таълуқли бўлган ойлик ва чорак ҳисоботларни ўз вақтида тайёрлаш ҳамда бошқарма бошлиғига тақдим қилиш;

ё)ҳисоботлар юзасидан аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича ҳудудий бошқармаларга кўрсатмалар бериш.

17.“On-line” тизими билан ишлаш бўлимининг функциялари:

а)“On-line” тизими билан ишлашда сўмдаги пластик карта ва терминалларда амалга оширилган айланмаларни таҳлил қилиб бориш ҳамда таҳлиллар натижалари ҳақида бошқарма бошлиғига маълумотлар бериб бориш;

б)сўмдаги пластик карта ва терминаллар орқали амалга оширилган айланмалар бўйича таҳлил ишларини олиб бориш;

в)“On-line” тизимига тегишли таҳлиллар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича Марказий аппарат таркибий тузилмаларига ва ҳудудий бошқармаларга хатлар тайёрлаш;

г)Smart Vista пластформасидаги “UZCARD-EMV” тизимини доимий ишлаши, мижозлардан келган мурожаатларни ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш;

д)таҳлил натижалари тўғрисида раҳбариятга билдиришномалар киритиб бориш ва раҳбарият топшириғига асосан бошқа назорат ва таҳлил ишларини олиб бориш.

18.Интерактив хизматлар бўлимининг функциялари:

а)Сўм пластик карта ва терминалларда амалга оширилган айланмаларни таҳлил қилиб бориш ҳамда таҳлиллар натижалари ҳақида бошқарма бошлиғига маълумотлар бериб бориш;

б)Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида жорий этилаётган янги хизмат турлари билан ходимларни таништиради, янги банк хизматларини хусусан масофавий хизматларни жорий этилишида ва уларнинг реклама ҳамда тарғибот ишларида фаол иштирок этади;

в)Пластик карталар орқали чакана тўловлар тизимини янада ривожлантириш юзасидан жисмоний шахсларга янги хизмат турларини жорий этиш бўйича изланишлар олиб бориш ҳамда мобил банкинг ва Мобил савдо хизматига мижозларни улаш кунлик доимий мониторинг ўрнатади;

г)“On-line” тизимига тегишли таҳлиллар натижасида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш, шунингдек DUET, Smart-Vista, GlobuzCard ва NCI дастурларидаги янгиликларни тизимга жорий этиш ҳамда Марказий аппарат таркибий тузилмаларига ва ҳудудий бошқармаларга маълумот тарзида хатлар тайёрлаб етказиш;

"Agrobank" aksiyadorlik tijorat banki
Metodologiya bo'limi
353 raqam bilan ro'yxatga olindi
20 17 yil " 21. aprel"
imzo

д)Мижозлардан келган мурожаатларни ўз вақтида бартараф этилишини таъминлаш;

е)янги хизмат турларини жорий қилиш бўйича хорижий давлатлар илғор тажрибасини амалиётга мунтазам қўллаб бориш ҳамда вилоят бошқармаларига пластик картлар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизими йўналиши бўйича раҳбарият томонидан юклатилган вазифаларнинг муддатида сифатли бажарилиши устидан назорат қилади ҳамда даврий равишда бошқарма бошлиғига маълумот бериб боради;

ё)филиаллардаги ўз йўналишига доир бўлган камчиликлар тўғрисидаги кунлик маълумотларни бошқарма бошлиғига жамлаш учун такдим этади.